

Юридик мақомга эга бюджет истеъмолчилари учун электр таъминоти
ШАРТНОМАСИ

2022 йил «17» 01 19 -сон Бағдод тумани

Бағдод тумани электр таъминоти корхонаси **НИЗОМ** асосида фаолият юритувчи
Бағдод тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари: Собиров Давлатжон Валиевич
кейинги ўринларда «Корхона» деб аталади) бир томондан ҳамда Назоз асосида
фаолият юритувчи Бағдод тумани ҳокимлиги
(истеъмолчининг номи)

раҳбари В. Назаров (кейинги ўринларда
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш)
«Истеъмолчи» деб аталади), хисоб рақами-

2	0	0	1	5	9	0	0	1
---	---	---	---	---	---	---	---	---

иккинчи томондан мазкур шартномани
қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини
(кейинги ўринларда — энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва
Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини
олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив 6666 кВт.с., реактив _____ кВт.с. ни ташкил этади.
2.2. Етказиб берилган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий
нархи 2999700 сўми, тариф бўйича 450

(тариф тури: *табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли
қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар
кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (кераклиси ёзилсин)*) ни ташкил
этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб берилган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик
ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томондан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақикий
миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг
кўрсаткичлари асосида аниқланади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017 й.даги ПК-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) ҳисоб-китоб қилишда сутка вақтлари бўйича табақалаштирилган тариф қўлланилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар сутканинг қуйидаги даврларида фойдаланилган энергия учун:

ярим тигиз давр - сутканинг ёруғ вақти (9-00 дан 17-00 гача) - белгиланган тариф бўйича;

тигиз давр - эрталабки ва кечки «энг қатта микдор» (ягона электр энергетика тизимининг энг қатта юқламали соатларида: эрталабки «энг қатта микдор» - 6-00 дан 9-00 гача, кечки «энг қатта микдор» - 17-00 дан 22-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш бўйича;

тунги давр - сутканинг қоронги вақти (энг кам юқламали соатларда: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар микдорда камаювчи коэффициентни қўллаш бўйича амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун бир ставкали тарифга мос келади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланмаган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатида назарда тутилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда Ҳукумат қарори билан белгиланган тариф қўлланилади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, Худудий электр тармоқлари корхонасининг (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади) воқолатли шахси билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ёзиб олади ва мазкур шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисида ҳисобот тузади.

Истеъмол қилинган энергиянинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб, Истеъмолчи томонидан ҳар ойнинг 25-санаидан 30-санагача бўлган муддатда худудий электр тармоқлари корхонасига ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали белгиланган шаклда тақдим этилган энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот саналади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган, табақалаштирилган тариф бўйича тўловни амалга ошираётган истеъмолчи энергия сарфи ҳақидаги ҳисоботида тўлик истеъмол қилинган энергия ҳажмидан (актив ва реактив) ташқари тигиз, ярим тигиз ҳамда тунги даврларда истеъмол қилинган ҳажмларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим.

3.5. Тарифлар ўзгарганда, Истеъмолчи етказиб берилётган энергия учун тўловни янги тариф бўйича, улар кучга кирган кундан бошлаб амалга оширади.

3.6. Истеъмолчига энергия етказиб бериш, у томонидан келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунга қадар шартномавий миқдор қийматининг 100 фоизини (100%) олдиндан тўлагандан сўнг амалга оширилади.

3.7. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов учун ҳисоб-варағини беш кун мобайнида ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоқининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона вакиллари ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин Корхона белгиланган тартибда амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун итўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи истеъмолчилар 0,2 фоиз) миқдоридан, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Истеъмолчининг айби билан энергия Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлик истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб беришмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортик миқдорда энергия олинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортикча олинган энергия жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини тармокдан узиб қўйиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисобга олиш приборлари каслдан

бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик қиладиган хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қодаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қодаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси стказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қолатиш;

шартномани конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва электр энергетика соҳасидаги давлат назорати органининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилларининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомга бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори қувватга уланган Истеъмолчи:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва Корхона талабига кўра хабар қилиши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш;

авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчини электр тармоқларидан узиш;

Кўрсатмаларга асосан ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Корхона мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуқсиз етказиб бериш;

уқсуналар, электр узатиш линиялари, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини режали таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги содир бўлиши мумкин бўлган узилишлар тўғрисида уч суткадан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия ҳисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — истеъмолчига бу ҳақида рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчининг ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни, шунингдек, Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси буйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона - Электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31. XII гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойга тадбиқ этилмасдан, келгуси ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки нусхада тузилди. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олдин иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи:

Почта манзили Ботқоғи ёллагини меҳк 4/2 15/и
 Ҳисоб рақами 23402800300100001010
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200159001
 Истеъмолчининг юридик манзили буйича кадастр рақами _____
 Маҳалланинг номланиши _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириллаган Истеъмолчилар
 учун:

Бюджет фондининг ҳисоб рақами 100022860302097011205018001
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200159001
 Бюджет фонднинг ҳисоб рақами _____
 Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____
 Телефонлар 73 479 2776 Факс: _____
 (Истеъмолчи, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД _____
 СООГУ 01 002
 СОАТО 1730209551
 КФС 212
 КОПФ 2100
 ОКПО 84112

Корхона:

Почта манзили: Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 3 "А" уй
 Ҳисоб рақами: 2263 6000 6002 1528 9453
 Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200 144 930
 Телефонлар: 73-479-18-54 Факс: 73-479-13-37

Статистик кодлар:

СООГУ 1013
 СОАТО 1730401

Корхона вакили:

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.

Истеъмолчи:

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.

Юрист ҳулосаси:

Ушбу шартнома лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади.

Д.А.Ҳақимов

**Етказиб бериладиган энергия
ХАЖМИ**

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури бўғунлик
3. Истеъмолчи электр қурilmаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Электр таъминотининг ишончлиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
5. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (кераклиси ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича		
Йил, жами	6666			
Январь	2222			
Февраль	2222			
Март	2222			
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Корхона бир кунда _____ соат, бир ойда _____ кун ишлайди.
Сменалар бўйича юклама нисбати % да, I _____, II _____, III _____ ни ташкил қилади.

Корхона вақили:



Истеъмолчи:

В Назаров
(Сана, Ф.И.О, имзо)

**Энергияни ҳисобга олиш приборлари
ЎРНАТИЛГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ**

Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисобга олиш прибори ўришилган	Ҳисобга олиш прибори тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициентлари		Ҳисоб - китоб коэффициентлари	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари	Тариф тури сумма/ I кВт.с.
			Корхонанинг	Бюронинг	Ток	Кучла ниш			

Имзолар:

Истеъмолчи:

В Назаров

(М.Ў. Имзо)



**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш
бўйича масъуллиқ чегараси ДАЛЮЛАТНОМАСИ**

1. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасида электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублиқ чегараси: ____ / ____ / ____ КВли _____ н-си 10 кВли _____ ХУЛ узатмаси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____

_____ хизматлар Истеъмолчи ходимлари томонидан;

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган Шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: ____ / ____ / ____ КВли _____ н-си 10 кВли _____ ХУЛ узатмаси _____

Вакиллар:

Истеъмолчи

М.Ў.

[Signature]

В. Назаров
(Ф.И.О.)

Корхона

М.Ў.



Д. Собиров
(Ф.И.О.)

324-00-43

Энергияни йўқотишларини аниқлаш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Энергияни ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс буйича мансублиги чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс буйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган энергия йўқотишлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергияни йўқотиш _____ кВт.соат ёки _____ фоизни, реактив энергияни йўқотиш _____ кВАр.соат ёки _____ фоизни ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ,булса, _____ кВт.соатни ёки _____ фоизни ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқотишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ,булса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади;

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:


Истеъмолчи:



(М.Ў. Имзо)



Корхона:



(М.Ў. Имзо)

